O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY AXBOROT AGENTLIGI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 2-avgust • Shanba • 92 (27.897) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Шу йилнинг биринчи яримида 372,1 мингга яқин янги иш ўринлари (ҳудудий дастурлар кўрсаткичларига нисбатан 118,2 фоиз), шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 203,8 мингта ёки уларнинг умумий сонига нисбатан 54,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди (бу яратилган иш ўринлари умумий сонининг 35 фоизини ташкил этади)...

Меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат аҳоли бандлигининг 2,9 фоиз ўсишига кўмаклашди ва иш билан банд бўлганлар сони 305,9 минг кишига кўпайиб, 10,8 миллион кишини ташкил этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техник ва технологик янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларини бажариш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши мустаҳкамланди.

I. Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

2008 йилнинг иккинчи чорагида шу йилнинг биринчи чорагига нисбатан иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари жадаллашди ва бу биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига қараганда 9,3 фоизга кўпайишини таъминлади. Ўзлаштирилган инвестициялар миқдорини 19,8 фоизга оширишни таъминлаган фаол инвестиция сиёсати ва қулай инвестиция муҳити иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда муҳим омил бўлди. Етакчи саноат тармоқларини техник ва технологик модернизация қилишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг юқори суръатини сақлашга ёрдам берди ва бу кўрсаткич 12,2 фоизни ташкил этди. Фаол ташқи савдо сиёсати экспорт ҳажмини 48,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Иқтисодий юксалиш аҳоли реал пул даромадларининг 23,4 фоизга кўпайиши туфайли ички талаб, жумладан, истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши билан қўллаб-қувватланди. Бу истеъмол товарларининг 16,6, чакана савдо айланмасининг 14,4 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 18,9 фоизга ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари
(2007 йил биринчи ярим йиллигига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 йилнинг 1-ярми
Ялпи ички маҳсулот	109,3
Саноат маҳсулотлари ҳажми	112,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	116,6
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	105,4
Асосий капиталдаги инвестициялар	119,8
Қурилиш ишлари	109,1
Чакана савдо айланмаси	114,4
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	118,9

Ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан эришилди. Бунда қуйидагилар асосий омил бўлди: **1. Давлат бюджетининг мувозанатлашганлиги.** Давлат бюджети даромадлари жорий йил биринчи ярим йиллигининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди, профицит эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз бўлди. Бизнесга солиқ юкини камайтиришга доир кўрилган чора-тадбирлар хусусий сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида даромад солиғи бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 42,6 фоиз, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови эса 36 фоизга ўсди. **2. Пул бозоридаги мувозанат ва миллий валютанинг барқарорлиги.** Инфляцияга қарши юритилган фаол сиёсат ва истеъмол бозорининг зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдирилиши натижасида инфляция жараёнлари секинлашди. Пул массаси ва сўм айрибошлаш курсининг ўзгариши белгиланган параметрлардан ошмади. Аҳолининг банклардаги депозитлари 19,3 фоизга кўпайди. **3. Мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги ва ташқи савдонинг юқори ижобий сальдоси.** Бунга экспортнинг юқори суръатда ўсиши, жумладан, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (1,6 марта), машиналар ва ускуналар (116,2 фоиз), кимё маҳсулотлари (148,0 фоиз), хизматлар (125,8 фоиз) ҳисобидан эришилди.

II. Таркибий ўзгаришларни давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш

Биринчи ярим йилликда Инвестиция дастурини амалга ошириш таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам берди ва мамлакатимиз ҳамда хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилди. Барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 3713,1 миллиард сўмни ёки 2007 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 119,8 фоизни ташкил қилди.

Инвестициялар умумий ҳажмининг ошиши асосида тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар миқдори 31,2 фоизга ўсди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 88,4 миллион доллар ёки 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,9 марта кўп маблағ ажратилди. Капитал қўйилмалар умумий миқдорининг қарийб 70 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида 185 йирик ва кичик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

МЕТИНДЕК МУСТАҲКАМ ЙЎЛЛАР

Маълумки, ҳар бир шаҳарнинг кўрки, тароватини белгиловчи жуда кўп омиллар мавжуд. Масалан, замонавий бинолар, уйлар, иншоотлар... Ана шуларнинг энг муҳимларидан бири, шубҳасиз, йўллар ва кўприклардир. Чунки йўллар ва кўприклар ҳар қандай шаҳар меъморий гўзаллигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, меҳмоннинг шаҳар ҳақидаги илк тассуроти йўлларнинг текис, равон ва озодалигидан бошланади. Бундан ташқари, кенг ва равон йўллар одамларнинг узоғини яқин қилади, уларни турли хавф-хатарлардан омон сақлайди. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ўзида намоён этади.

Мустақиллик йилларида «Шарқ дарвозаси» — гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда янги йўл тармоқлари ҳамда кўприклар қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узоқ йиллар мобайнида қаровсиз ётган йўллар тубдан қайта қурилди, уларнинг аксарияти кенгайтирилди, замонавий кўприклар қад ростлади. Энг муҳими, бу эзгу ишлар замирида шаҳарни ҳар томонлама обод этиш, одамларга хизмат қилиш каби ёруғ мақсадлар мужассам.

Бугун пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, маъмурий биноларни қайта реконструкция қилиш, йўллар қуриш ва ички кўчаларни таъмирлаш каби хайрли ишлар жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, шаҳар маркази билан Юнусобод даҳасини боғловчи Амир Темур шоҳкўчасида ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу масъулиятли вазифани «Шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш тресті» ОАЖга қарашли махсус участка бунёдкорлари ўз зиммаларига олишган.

— Олдинлари йўл торлиги учун ушбу йўналишда ҳаракат қилаётган автомобиллар турли ноқулайликларга дуч келарди, — дейди участка бошлиғи Расул Аҳмаджонов. — Трамвай йўлининг қайта таъмирланиши ҳисобига йўлнинг эни олти метрга кенгаяди. Аввалари йўлнинг ҳар икки томони энига 24 метр бўлган бўлса, таъмирлаш ҳисобига 30 метрга етади. Трамвай изларининг 20 фоизи алмаштирилмоқда. Йўлнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари 5,8 км. узунликда амалга оширилмоқда. Бу — Алишер Навоий шоҳкўчасидан бошланиб, Мирзаҳмедов кўчаси (собиқ «Зенит» заводи)гача дегани. Иш уч сменада ташкил этилган, 150 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, йўлнинг ҳар икки томонини ажратувчи бордёрлар ҳам ўрнатилмоқда. Темирдан бежирим қилиб ишланган панжаралар эса шоҳкўча кўркига кўрк қўшиб турибди. Исомиддин Даминов, Зокир Эрмаматов, Эргаш Хўжақулов, Тоҳир Худойбергенов, Нуржан Сулеев каби бунёдкорлар эса ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Бугун йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Йўлсозлар объектни Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида ишга туширишни ният қилишган.

Маъмурхон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Суратларда: *Амир Темур шоҳкўчасида амалга оширилаётган бунёдкорликлардан лавҳалар.*

«Абитуриент — 2008»

Кеча мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан маълум қилишларича, бу йил олий таълим даргоҳларига салкам 346 минг нафар абитуриентдан ариза қабул қилинган. Президентимиз Ислом Каримовнинг «2008/2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бакалавриат йўналишига 58 минг нафар талаба қабул қилинади. Бу ўтган йиллардагига нисбатан 6,4 минг нафар кўп йигит-қиз талаба бўлади демакдир.

Суратларда: *абитуриентлар имтиҳон топширмоқда.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

ЎзХДП ҳаёти

Қашқадарё вилоят партия кенгашининг пленумида Яккабоғдаги 2-шифохона бош врачи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ойсанам Бобоқулова депутат кун тартибидаги масалалар ҳақида фикр юритаркан, партия туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида ҳар жума куни фуқароларни қабул қилаётгани, мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ечишга ҳаракат қилаётгани ҳақида маълумот берди.

ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР

қозониш учун электорат манфаати йўлида жонкуярлик кўрсатиш талаб этилади

Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун кучга кирган ҳозирги шароитда сиёсий партиялардан кўпроқ ташаббус ва жасорат талаб этилади. Негаки, жамиятимизда демократик тамойиллар тобора чуқур илдиз отаяпти, одамларнинг сиёсий маданияти, онги ўсиб бораяпти. Улар тўғри келган партияга хайрихоҳ бўлавермайди. Танлаш, саралаш маданияти шаклланаяпти. ЎзХДП Яккабоғ туман кенгаши ана шу омилларни инобатга олган ҳолда фаолият юритаяпти, дейиш мумкин. Масалан, халқ депутатлари туман Кенгашининг 30 депутатидан 12 нафари партиямиз аъзолари. Уларни ўтган сайловда минглаб хайрихоҳларимиз қўллаб-қувватлади. Депутатлар ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашиб, доимий комиссиялар ишида фаол қатнашаяпти, партиямиз нуқтаи назари, электорат манфаатига мос қарорлар қабул қилинишига, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Жамбул маҳалла фаоллари ҳудудда спорт майдончаси йўқлигини айтишди. Депутатларимиз бу масалада уларга ёрдам бериш мақсадида чора излай бошлашди. Фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Ғуломов маблағ ажратишга тайёрлигини билдирди. Масала туман ҳокимлигига олиб чиқилди. Натижада спорт майдончаси учун ер майдони ажратилди. Ҳозир спорт иншооти қурилиши бошланган.

Тумандаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Моҳира Қаршиеванинг уч нафар фарзанди бор. Тирикчилик манбаи — ойлик маоши. Негадир хазиначи унинг иш ҳақидан 5 фоиз ушлаб қола бошлади. Сабаби номаълум. Мурожаатлари самарасиз кетаётганидан изтиробга тушган ўқитувчи ХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига келди. Партия фаоллари масалани ўргандилар. Натижада хазинабон ноқонуний йўл тутаётгани аниқланиб, адолат қарор топди. Бундан хурсанд бўлган Моҳира Қаршиева ХДП сафига киришга аҳд қилди. Воқеа кўпчиликни бефарқ қолдирмади. Халқ демократик партиясининг олий мақсади инсонларга ғамхўрлик экани, воқеа-ҳодисаларга четдан қараб турмаслигига амин бўлган коллежнинг яна олти нафар ходими ЎзХДПга аъзо бўлиш учун ариза ёзишди...

(Давоми 2-бетда)

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР

партия дастурий мақсадларига хизмат қилади

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги Ахборот-услубият маркази Жамоатчилик кенгаши ва Марказий Кенгаш Экспертлар гуруҳининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги жорий ўқув йилининг якунлари, янги 2008-2009 ўқув йилига тайёргарлик кўриш, минтақавий партия кенгашлари Ахборот-ресурс марказларининг аҳволи ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Абдуллаева таъкидладики, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими икки йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Жорий ўқув йилида ўқувларнинг ташкилий ва илмий-методик даражаси анча юқори бўлди. Партия Марказий, минтақавий, туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги сиёсий семинарлар мунтазам ташкил этилди. Тажриба сифатида бошланғич партия ташкилотларида ўқувлар йўлга қўйилди. 133 минг нафар тингловчи — партия фаоллари ва депутатлари, тарғиботчилар, электорат ва ижтимоий шерик ташкилотлар вакиллари ўқишларда қатнашди.

Давра суҳбати, семинар-тренинг, илмий-амалий конференция ва бошқа интерфаол шаклларда ўтган машғулотларда долзарб ижтимоий-сиёсий, иқтисодиёт, маънавият ва ҳуқуққа доир мавзулар, янги қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари, ҳукумат қарор ва дастурлари, партия ғоялари, фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, озиқ-овқат саноатида макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича (75), енгил ва тўқимачилик тармоғида калава, тўқимачилик, чарм ва гилам маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш, шойи ва толани қайта ишлаш бўйича (28), қурилиш материаллари саноатида девор қуриш учун мўлжалланган материаллар, пластик ромлар, эшиклар, шифер, рубероид ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича (46) объект ишга туширилди.

2008 йилнинг биринчи ярмида 3,5 миллиард куб метр газ ишлаб чиқариш қувватига эга «Помиқ» компрессор станцияси, «Нексия-2» енгил автомобилининг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, «Жиззах платмасса» очиқ акциядорлик жамиятида диаметри 315-630 миллиметр бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш, «Қувасой қурилиш» масъулияти чекланган жамиятда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «Тагус текстиль», «Пойтўтекс», «Сиркежи Тошкент текстиль» қўшма корхоналари ва бошқа инвестиция лойиҳалари ниҳоясига етказилди.

Жорий йил бошидан буён 51 та дотация ҳудудида 87 кичик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди ва бу 2100 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш давомида ускуналар етказиб бериш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун 341,2 миллион доллар ажратилди. Бу борада 29 инвестиция лойиҳалари, жумладан, автомобиль саноатида 9, енгил ва тўқимачилик соҳасида 7, фармацевтика саноатида 5, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 5, кимё саноатида 2 ва металлургия саноатида битта лойиҳа ниҳоясига етказилди.

Юқорида қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 фоизга ошди. «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари 68,1 фоиздан 72,5 фоизгача оширилди, доривор препаратлар экспорти 1,5 баравардан ошди. Техник чигитни қайта ишлаш туфайли тозаланмаган пахта ёғи олиш (17,94 фоиздан 18,54 фоизгача) ва тозаланган пахта ёғи олиш (87,82 фоиздан 88,55 фоизгача) кўпайди. Бунинг натижасида қўшимча 4,8 минг тонна тозаланган ёғ олишга эришилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш тадбирлари доирасида янги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳисобот даврида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, электр узатиш линияларини ривожлантириш, темир йўл участкаларини, сув ҳамда газ таъминоти тизимларини электрлаштиришга доир чоралар кўрилди. 500 кВ қувватга эга Сирдарё ИЭС — «Сўғдиёна» кичик станцияси ва «Янги Ангрен ИЭС-Ўзбекистон» юқори кучланишли линияларни (жорий йилнинг июнида юқори кучланишли линия вақтинчалик схема бўйича 220 кВ токка уланди) қуриш, «Тошкент—Ангрен» темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. 847 километр сув қувури ва 418 километр газ узатиш тармоқлари, 160 километр узунликдаги таъмирланган халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиш автомобиль йўллари ва узунлиги 80 погон метр 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

Қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида 579 та корхонанинг 373 тасида (корхоналар умумий сонининг 64 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларининг яхшиланиши кузатилмоқда. 242 та корхона ўтган йилга нисбатан ойлик ўртача ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмини 20 фоиздан кўпроққа оширди, 119 та корхонада ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналарда 2784 иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

2006-2008 йилларда қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватлари негизида 103 та янги, жумладан, ҳисобот даврида 19 та корхона ташкил этилди. Қайд этилган мазкур корхоналарнинг 87 тасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 4 минг нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Ривожлантириш ва техник модернизация қилиш дастурларининг амалга оширилиши саноат ишлаб чиқаришини 12,2 фоизга ошириш имконини берди. Бунда юксак ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида (120,3 фоиз), ёқилғи саноатида (119,5 фоиз), озиқ-овқат (130,2 фоиз), ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида (129,8 фоиз) таъминланди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(Ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2007 йилнинг 1-ярми	2008 йилнинг 1-ярми
Саноат, жами	111,6	112,2
шу жумладан:		
электр энергетикаси	99,4	100,7
ёқилғи	112,0	119,5
қора металлургия	110,5	103,3
рангли металлургия	98,3	93,9
кимё ва нефть кимёси	120,3	108,4
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	129,5	120,3
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати	125,3	129,8
қурилиш материаллари	116,4	108,2
енгил саноат	112,1	112,4
озиқ-овқат саноати	107,9	130,2
бошқа саноат тармоқлари	124,0	117,1

III. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш давомида 2008 йилнинг биринчи яримида 174 давлат активлари, жумладан, биржа савдоларида 38, Давлат тендер комиссияси қарорига биноан 6, кимошди ва танлов савдоларида 67, инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига нолга тенг харид қиймати бўйича 43 объект сотилди. Ҳисобот даврида 237 давлат корхонаси мулкчилик шаклини нодавлат шаклга ўзгартирди. Уларнинг 97,9 фоизи хусусий мулкдорлар томонидан тўлиқ сотиб олинди.

2008 йилнинг биринчи яримида Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш дастури, суғурта, аудиторлик, лизинг ва баҳолаш компаниялари, кредит уюшмалари ва тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, моддий ресурсларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши туфайли бозор инфратузилмаси янада ривожланди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тижорат банкларининг устав капитали қарийб 2 баравар, жами капитали ва иқтисодиётга кредит қўйилмалари тегишли равишда 40,7 ва 28,4 фоиз ошди. Тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ўсиши 51,5 фоиз кўпайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар миқдори 46,2 фоиз кўпайди.

Молия хизматларининг умумий ҳажми микрокредитлар билан бирга 39,6 фоиз кўпайди. Шунингдек, кўрсатилаётган молия-банк хизматлари номенклатураси, айниқса, қишлоқ жойларида янада кенгайди.

Аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, аудиторлик ташкилотларининг масъулиятини кучайтириш ва кўрсатилаётган аудиторлик хизматларининг сифатини ошириш чоралари кўрилди.

Товарлар бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлашга хизмат қиладиган моддий ресурсларни сотиш бўйича бозор механизмларини жорий этиш туфайли Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасида маҳсулот сотиш ҳажми 2008 йилнинг биринчи яримида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар ошди.

IV. Аҳоли бандлиги даражасини кўтаришнинг энг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 6 ойи мобайнида рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик корхоналари сони шу йилнинг бошидагига нисбатан 2,9 фоиз ўсди ва 434,5 мингтани ташкил этди. Бунда рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхоналар улуши 0,7 фоиз ошди ва 93,5 фоизни ташкил этди.

Фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари сони саноатда 4,1, қурилишда — 6,7, транспорт ва алоқа соҳасида — 14,2, бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 6,7 фоиз ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 2007 йил биринчи ярмидаги 38,1 фоиздан 40,2 фоизгача ошди.

2008 йилнинг биринчи яримида кўрсатилган хизматлар ҳажми 19 фоиз ўсди, ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 42,8 фоиз ўрнига 44,7 фоизни ташкил этди. Ахборот технологияларидан фойдаланиш, молиявий капитални тўплаш ва кредит-тўлов тизимини ривожлантиришни кучайтиришга асосланган замонавий хизмат турлари, шунингдек, истеъмол хусусиятига эга хизмат турлари жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи яримида 100 дан ортиқ транспорт йўналишлари ташкил этилди, мингдан зиёд янги чакана савдо корхонаси, 190 умумий овқатланиш корхонаси, 1,4 мингта маиший хизмат кўрсатиш корхонаси фойдаланишга топширилди. Рақамли АТСлар сони кўпайди. Республикамиз ҳудудларида мобиль алоқа хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу эса алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ўсишини 145,6 фоизга оширишни таъминлади. Автомобилларни таъмирлаш бўйича янги устахоналар ишга туширилди, уларнинг иш самарадорлиги оширилмоқда.

Шу йилнинг биринчи яримида 372,1 мингта яқин янги иш ўринлари (ҳудудий дастурлар кўрсаткичларига нисбатан 118,2 фоиз), шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 203,8 мингта ёки уларнинг умумий сонига нисбатан 54,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди (бу яратилган иш ўринлари умумий сонининг 35 фоизини ташкил этади).

Касаначиликни ривожлантириш негизида корхоналар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида 66,7 мингта иш ўрни яратилди. Шу жумладан, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида 16,2 мингта, бошқа тармоқларнинг йирик корхоналари билан 26,2 мингта, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналари билан 24,3 мингта иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, ҳисобот даврида касаначиликда меҳнат шартномалари, пудрат ва оилавий бизнес шартномалари бўйича иш ўринлари ҳисобга олинган ҳолда, 132,6 минг киши иш билан таъминланди.

Меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат аҳоли бандлигининг 2,9 фоиз ўсишига кўмаклашди ва иш билан банд бўлганлар сони 305,9 минг кишига кўпайиб, 10,8 миллион кишини ташкил этди.

V. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишни таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар самаралари, аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи яримида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида узунлиги 8070,1 километр магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-қайта тиклаш бўйича 469 лойиҳа бажарилди. Мелиорация ва бошқа ишларни амалга оширишга ихтисослашган 49 давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи яримида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўсиши 105,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йилгига қараганда полиз экинлари (141 фоиз), мева (115,1 фоиз), сабзавот (114,6 фоиз), картошка (111,9 фоиз), сут (106,6 фоиз) ва гўшт (106,4 фоиз) кўп етиштирилди.

Фермер хўжаликларига турли хизматлар кўрсатиш мақсадида ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича 1333 шохобча, минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича 915 шохобча, 1780 муқобил МТП, 1203 мини-банк, 1676 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини бажариш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

2008 йилнинг биринчи ярими давомида республика бўйича ташкил этилган 166 кимошди савдоси шохобчалари орқали 10406 бош зотдор қорамол сотилди. 13,6 минг оилага сигир бепул тарқатилди.

2008 йил 1 июль ҳолатига кўра, тижорат банклари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан аҳолига қорамол сотиб олиш учун умумий миқдори 20,1 миллиард сўмга тенг микрокредитлар ажратилди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш 4,5 фоизга, сут ишлаб чиқариш 3,5 фоизга кўпайди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида қайта ташкил этилган ширкатлар негизида 193 агрофирма тузилди. Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг III-халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси доирасида 173 лойиҳа, жумладан, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 58 лойиҳа, мева-сабзавотларни қуритиш бўйича 57 лойиҳани амалга ошириш бўйича савдо шартномалари имзоланди.

Мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши деҳқон бозорлари маблағ айланмасини 7 фоизга оширишни таъминлади.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари билан барқарор таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи яримида республика озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 130,2 фоиз таъминланди. Аҳолига ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 4,1 фоиз кўп ун сотилди, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 баравар, шакар 2,1 баравар, ўсимлик ёғи 7,7 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари 9,4 фоиз, спиртсиз ичимликлар қарийб 1,5 баравар ошди.

VI. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш

Ҳукумат томонидан иш ҳақини кўпайтириш, бандликни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 51 фоиз, ўртача пенсия миқдори 76,1 фоиз ўсди.

Шу йилнинг биринчи яримида аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти ва ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар давом эттирилди. Бу борада 13265 ўқувчига мўлжалланган 18 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 3784 ўқувчига мўлжалланган 19 та умумтаълим мактаби, 6 қишлоқ врачлик пункти, узунлиги 1023,5 километр сув қувури ва 451,8 километр газ узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган дастурлар доирасида болаларни умумий таълим, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан 100 фоиз қамраб олишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд бўш иш ўринлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудлар ва мутахассисликлар нуқтаи назаридан ёшларнинг бандлик даражаси комплекс тарзда инвентаризация қилинди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш давомида ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш жойларини ташкил этиш, ёш оилаларнинг турар-жой ва маиший шарт-шароитини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш орқали уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар бажарилди.

Ўтган давр мобайнида 5,3 минг нафар ишсиз йигит-қиз бозор эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда қайта тайёрланди, Қуролли Кучлар сафида хизматини ўтаб қайтган 9,7 минг нафар йигит иш билан таъминланди. Коллежлар битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ишини ташкил этиши учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 1480,9 миллион сўмга тенг микрокредитлар ажратилди. Уй-рўзғор буюмларини сотиб олиш учун қиймати 16,3 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари, шунингдек, ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилиш учун 17,1 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Қишлоқ жойларда 241 ёш ўқитувчи оиласига якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, иқтисодиётда ижобий таркибий ва сифат ўзгаришларини давом эттиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2008 йилда белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш орқали эришилди. Бу эса иқтисодиётда бозор ислоҳотларини жадаллаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун қулай кафолатлар яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ЎзХДП ҳаёти

ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Туман ҳаётида партия кенгашининг ўз ўрни борлиги энг аввало, етакчига, унинг ҳаётий тажрибаси, обрў-эътиборига боғлиқ. Уч йил бурун партия туман кенгаши раислигига Неъмат Жумаев сайланди. Неъмат ака ўзига хос ҳаёт мактабини ўтаган, тақдирини партиямиз билан боғлаган инсон. Туманда обрў-эътибори баланд. Одамлар билан ишлаш маҳоратини яхши эгаллаган.

Неъмат ака бор куч-ғайратини ишга солди. Айни пайтда туманда 68 та ҲДП бошланғич, 23 та ҳудудий ташкилоти 1500 дан ортиқ аъзони бирлаштириб турибди. Ўтган йили 185 аъзо қабул қилинган бўлса, уларнинг аксарияти ёшлар. Бу йил янги-янги режалар билан яшаётган ўнлаб ёшлар партиямиз сафига қўшилди.

— Ҳар қандай сиёсий партия уни кимлар қўллаб-қувватлаётгани, партия фаолларининг салоҳияти туфайли катта нуфузга эга бўлади, — дейди Неъмат Жумаев. — Аммо партия ўз тарафдорлари, электорати учун курашар экан, унинг ҳар жиҳатдан фаоллигини оширишга ҳам эътибор кучли бўлмоғи шарт. Шунинг учун одамлар билан ишлаш, сафимизни фаол ёшлар билан мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Мисол учун, тумандаги ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида бир неча бор учрашув ўтказдик, партиямизнинг мақсади, қилаётган ишларимиз ҳақида гапириб бердик. Натижада коллеж жамоаси орасида партия аъзолари 29 нафарга етди. Ёки 29-мактаб ўқитувчи ва ишчи-ходимлари ўртасида икки йил ичида партия аъзолари 58 кишига кўпайди. Улар бизнинг электоратимизни ташкил этиши сабабли ҳам таълим муассасалари билан ишлаш фаолиятимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

— Суҳбатдошимиздан Фуқаролар йиғинлари иши ҳақида сўраймиз.

— Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам доимо диққат-марказимизда. Ахир, одамлар ўй-ташвишларини шу жойларга келиб айтишади. Биз ижтимоий масалалар самарали ечим топиши, нафақаларнинг адолатли тақсимланиши, ночор оилалар эътибордан четда қолмаслиги, ёшларимиз касб-ҳунар ўрганишлари, миллий қадриятларимиз руҳида тарбияланишини хоҳласак, фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишимиз зарур. Битта мисол келтирай. Яккабоғ шаҳридаги Янгиобод маҳалласи оқсоқоли Тўра Саидов 47 аъзо бирлашган бошланғич партия ташкилотига ҳам раҳбарлик қилаяпти. Унинг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуси, қўллаб-қувватлаши билан маҳаллада тўйхона қурилди. Ўн битта тикув машинаси сотиб олиниб, цех очилди. Унинг интилишларини биз қўллаб-қувватлаб турдик, имкон қадар кўмаклашдик. Шунинг натижасида ҳудудда партиямиз хайрихоҳлари янада кўпайди. Бундай ишларимиз кўп, деб мақтанишга эрта. Аммо, имкон қадар электоратимизга яқин бўлишга интилаяпмиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тингловчилар кўплаб фикрлар билдиргани, таклифлар киритгани ўқишларнинг қизиқарли, мазмунли, таъсирчан ўтишини таъминлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия сайланма органлари аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, маҳалла оқсоқоллари маърузачи, модератор, маслаҳатчи, услубиятчи сифатида иштирок этдилар.

Ўзбекистон ҲДП кенгашларида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари фаоллар, тарғиботчилар, депутатлар учун муҳим ахборот манбаига айланмоқда. Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари бу борада ижобий тажриба тўплади. Улар ўз фаолиятида турли ёзма манбалар, адабиётлар, услубий материаллар, компьютер техникаси ва Интернет имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

Шунинг билан бирга, дейилди йиғилишда, сиёсий ўқишларни ташкил этиш, уларни мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлаш, Ахборот-ресурс марказларини партия ташкилотлари мафкуравий ишларининг таянчига айлантиришда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. АРМ учун етарли имконият яратиб бермаётган, сиёсий ўқишларни ташкилий-услубий жиҳатдан етарлича таъминламаётган партия кенгашлари ҳам афсуски, бор.

Йиғилишда партия кенгашларига сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида янги ўқув йилига ҳар томонлама тайёргарликни ҳозирдан бошлаш, ўқишларнинг юқори савияда бўлишида Ахборот-ресурс марказларининг ролини ошириш, тарғибот ишларининг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ҲДП МК матбуот хизмати.

ЁШЛАР ВА СПОРТ

Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом бўлиб вояга етишларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, спорт орқали соғлом авлодни тарбиялаш устувор йўналишлардан биридир.

Куни кеча ЎзҲДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Ўзбекистон кикбоксинг Федерацияси ҳамкорликда пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида «Ёшлар ва спорт» мавзуида форум ўтказди. Унда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар ва туман бўлимларининг етакчилари ҳамда кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионлари ва юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилган спортчилар иштирок этди.

Сардор ТОШХЎЖАЕВ, Ўзбекистон кикбоксинг Федерацияси президенти:

— Ёшларнинг ўқиш ва ишдан сўнг бўш вақтини спортга жалб қилиш — энг асосий вазифа саналади. Спорт ҳам жисмоний, ҳам руҳий озуқа ўрнини босувчи восита ва у ёшларни тарбия қилишнинг энг мақбул йўли. Дам олиш, соғлиқни тиклаш ва мустаҳкамлаш, дўст орттириш, юрт шарафини ҳимоя қилиш — буларнинг бари спортда мужассам. Спорт билан мунтазам шуғулланиш учун эса мамлакатимизда етарли шароит ва имкониятлар яратилган.

Акмал УМАРАЛИЕВ, Ўзбекистон ҲДП «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви раиси:

— Спорт — инсон иродасини мустаҳкамлайди. Иродали инсон тафаккури теран, фикрлаш доираси кенг, ҳар бир соҳада ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига эриша оладиган даражага етади.

Биз тенгдошларимизни ўз истеъдод ва иқтидори билан жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан фахрланамиз. Шу ўринда юртимизда яшаётган ҳар бир ёшнинг қобилият ва истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳар бир аъзосининг эзгу мақсади ва бурчи бўлиши керак.

Дилноза АЗИМАТОВА, 2003 йил Грециядa кикбоксинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби:

— Мен ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқиши ғоят баландлигини ва қобилияти, имконияти етарли эканлигини биламан. Аммо негадир қизлар ўртасида спорт билан шуғулланиш кўнгилдагидек оммалашмаган. Ҳар бир қиз ёшидан қатъи назар, кикбоксинг билан шуғулланишини истардим. Балки улар бу спорт турлари ҳақида етарли маълумотга эга эмасдир. Бугунгидек тадбирлар спортнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида тўлиқ маълумот беради ва ҳамкорлигимиз давом этади деган умиддаман.

Форумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этиб, Федерация ва ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ўртасида ҳар бир туман ва маҳаллада спортнинг оммавийлигини таъминлаш, маҳалла ёшларини спортга янада кенгроқ жалб қилиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этишни таклиф этди.

Очиқ мулоқот ва мунозара тарзида ўтган тадбир соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, ёшларнинг спорт билан шуғулланишга интилишини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Гулгун СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

СУВ НАРХИ НЕФТНИКИДАН ОШИБ КЕТАДИ...МИ?

XXI аср башарият олдига бири-биридан мураккаб глобал масалаларни кўндаланг қўймоқда. Нега? Нима учун? Бу ҳақда ўйлашнинг вақти-соати етди.

Жаҳонда дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги юзага келганидан кўпчиликнинг хабари бор. Энди ундан-да хатарли бўлган сув билан боғлиқ хавф пайдо бўлмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, сув стратегик ресурсга айланиб борар экан, яқин орада унинг нархи нефтникига яқинлашиб қолади ва ҳатто ундан ҳам ошиб кетиши мумкин.

Агар нефть тақчиллиги мутахассислар башоратидан маълум бўлаётган бўлса, сув тақчиллигини ер юзидаги инсониятнинг учдан бир қисми ўз бошидан кечирмоқда. Маълумотларга қараганда, айни дамда жаҳонда 2,3 миллиард одамни сув билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди. 1 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига эҳтиёж сезмоқда. 400 миллион одам эса сувсизликдан қийналаяпти. Ҳар йили 3,5 миллион одам ташналик туфайли ҳаётдан кўз юмади. Нефтга бой минтақаларда сув масаласи катта муаммога, халқаро муносабатларда ҳам долзарб мавзуга айланиб қолди. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда, сўнгги ярим аср мобайнида сув ресурслари юзасидан дунёда камида 500 марта жанжал чиққан. Шундан 20 таси ҳарбий тўқнашувга айланиб кетди.

Сув масаласи БМТ даражасида 1977 йилдан буён муҳокама этилади. Айни дамда халқаро ҳамжамият ташаббуси билан «Сув ҳаёт учун» ўн йиллиги (2005-2015 йилларда) давом этмоқда. Шу йил Давосда бўлиб ўтган Жаҳон Иқтисодий анжуманининг еттита йиғилишида сув тақчиллиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мазкур муаммога жаҳоннинг етакчи давлатлари ва олимлари эътибор қаратмоқда. Бироқ кўриладиган чора-тадбирларга қарамай, таҳлилчилар яқин ўн йилда сув ресурслари можаровий мавзу бўлиб қолишини таъкидлашмоқда. Чунки жаҳоннинг каттакичик 40 га яқин мамлакати сув етишмовчилигини бошдан кечираяпти.

Қишлоқ хўжалигида сувнинг исрофгарчилик билан ишлатилиши оқибатида унга ташна давлатлар сони яна кўпайиши мумкин. Таҳлилларга қараганда, инсоният ишлатаётган сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида сарфланади. Сўнгги 100 йилда суғориладиган ерлар 40 миллион гектардан 400 миллион гектарга, яъни, ўн баробарга кенгайганини ҳисобга олсак, муаммонинг нақадар долзарб экани янада ойдинлашади. Шунингдек, ривожланаётган шаҳарлар эҳтиёжи ва саноат учун ҳам анча-мунча сув ишлатилишини эътибордан соқит қилмаслик лозим. Шаҳар ва саноат нафақат сув истеъмол қилади, балки обиҳаётни ифлослантиради ҳам. Ҳар куни 2 миллион тонна чиқинди сувларга ташланади. Тадқиқотларга қараганда, бир литр нотоза сув 8 литр сувни ифлослантирар экан. Бу ҳақда гап кетганда, нафақат ер юзининг эртанги куни, балки ўз ватани, фарзандлари тақдирини

ўйлаган ҳар бир инсоннинг эти жунжикиб кетиши табиий. Чунки, жонли табиат тоза сувсиз бир дақиқа ҳам яшашининг имкони йўқ. Нафақат шаҳардан чиқаётган, балки қишлоқ хўжалигида ишлатилган сувлар ҳам дарёларни ифлослантирмоқда. Экин майдонларидаги кимёвий ўғитлар сув ресурсларига қўшилиши сир эмас. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, дунёдаги 200 та йирик дарёнинг 60 фоизида дамбалар ва каналлар бор. Бу эса экотизимга салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

АҚШдаги сув иншоотларининг 40 фоизидаги сувлар металл парчалари ва қишлоқ хўжалиги чиқиндилари билан ифлосланган сабабли истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Европадаги 55 та дарёнинг атиги 5 тасигина тоза ҳисобланади. Осиёдаги дарёлар эса фавқулотда булғангани тан олинаяпти. Айрим сув омборлари шу қадар ифлосланганки, у ерда ҳатто балиқлар ва бошқа сув жониворларининг яшаши, жон сақлаши амри маҳол.

Сув танқислиги ривожланаётган мамлакатларда 50 фоизни ташкил қилса, ривожланган мамлакатларда 18 фоиздан иборат. Бу эса халқаро миқёсда кескинлик кучайишидан дарак беради. Мутахассислар сувни келажак авлодлар учун асраш фикрини айтишар экан, дарё ва кўлларга ҳар хил чиқинди ва ахлатлар ташлашни кескин тақиқлаш керак деган масалани илгари суришмоқда. Бу — ер юзида истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг гарданига жиддий масъулият юклаши лозим. Сувни асраш миллий қадрият даражасидаги жуда масъулиятли, нозик тушунча. Буни тан олиш даркор. Умуман сув ва сув ресурслари бирор бир давлатнинг эмас, балки бутун жаҳоннинг бойлиги, мулки бўлиши керак, деган ғоялар бежиз илгари сурилаётгани йўқ.

Кимга аза, кимга тўй, деганларидек, сувни даромад манбаига айлантириш ниятида бўлганлар ҳам топилади. Бу борадаги тадбиркорлик Европага катта даромад олиб келмоқда. «Fortune» журналининг ёзишича, сувни қадоқлашдан келадиган бир йиллик даромад 1 триллион долларга етиб қолди. Таққослаш учун бу рақам нефть компаниялари даромадларининг 40 фоизини ташкил этишини эслатиб ўтиш жоиз. Бир йилда дунё бўйлаб 100 миллиард литрдан кўп ичимлик суви сотилади. «The Guardian» нашри таҳлилчилари инсоният қадрияти ҳисобланмиш сув товарга айланар экан, дунё аҳолисининг ночор қатлами «ҳаёт манбаи» учун бошқаларга нисбатан кўпроқ зиён кўришга мажбур бўлишидан хавотир олишмоқда. Сув иншоотларининг хусусийлашиши ва сув нархининг ошиб кетиши ҳатто, Боливия, Малайзия, Филиппин каби мамлакатларда «сув исёнлари»ни келтириб чиқарди.

Тоза ичимлик сувининг тақчиллашиши, унга боғлиқ бўлган қийинчиликлар одамни ҳушёрликка ундайди. Уни тежаб-тергаб, қадрлаб ишлатишга даъват этади.

Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Дунёда юзага келган вазиятдан хулоса чиқариб олмоқ зарур деб ўйлаймиз.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ҚУЛАЙ, САМАРАЛИ ВА ИШОНЧЛИ

BANK XALQ BANKI

Халқ банки Сурхондарё вилоят филиали ана шундай эътирофга молик

Халқ банки мамлакатимиздаги йирик ва салоҳиятли банклардандир. Улкан жамоа республикамизнинг барча минтақаларида юқори даражада хизматлар кўрсатиб келмоқда. Бундан халқимиз ва мазкур банкнинг мижозлари ҳам хурсанд. Соҳани ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш борасида талай ишлар амалга оширилгани боис, мижозлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Айни кунларда Сурхон воҳасида ҳам Халқ банкининг 15 та шаҳар ва туман филиаллари, 8 та мини банк, 138 шахобча ва 28 та махсус кассалари фаолият юритмоқда. 800 нафарга яқин жамоа эл хизматида. Бу эса вилоят аҳолисини банк хизматлари билан тўла таъминлаш имконини бераётир.

— Президентимизнинг шу йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётир, — дейди вилоят филиали бошлиғи Эркин Норматов. — Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши халқимизга қатор имконият ҳамда қулайликлар яратди. Бу аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Қолаверса, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш учун инвестиция ресурсларининг муҳим манбаи бўлган аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни янада рағбатлантиришдан иборатдир.

Филиаллар томонидан аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг учун «Маржон», «Фидокор», «Барқарор», «Тақдим этувчига» ва бошқа омонат турларига чекланмаган миқдорда маблағ қабул қилинаётир. Айни кунларда Халқ банкининг вилоят филиалларида 380 минг нафардан ортиқ омонатчининг бўш пул маблағлари сақланаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Омонатларга қизиқувчилар сони кун сайин ортмоқда. Бу халқимиз учун қулай, самарали ҳамда ишончлидир.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар фаровонлигини яхшилаш борасида ҳам жамоа томонидан мақтовга арзигулик юмушлар амалга оширилаётир. Ўтган йиллар давомида 4 минг 200 нафардан ортиқ кишига 3814900,0 минг сўм кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 839 фуқаро ана шундай қулайликка эга бўлган. Бунинг учун филиаллар томонидан 914800,0 минг сўм маблағ ажратилгани қувонарлидир.

Ёшлар — келажагимиз. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Айниқса, ёш оилаларга кенг имкониятлар яратилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Ўтган 2007 йилда Халқ банкининг вилоят филиаллари томонидан 471 та ёш оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 892100,0 минг сўм кредитлар ажратилган. Шунинг 429800,0 минг сўми 36 кишига уй-жой қуриш учун йўналтирилган бўлса, 15 та ёш оила 51100,0 минг сўмга уй-рўзғор буюмлари харид қилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 427 та мижозга 411200,0 минг сўмлик микро кредитлар ажратилган.

Ёшлар йилида ҳам ана шундай эзгу ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган олти ой давомида 181 нафар ёш оилага 413600,0 минг сўм кредит ажратилди. 16 та ёш оила 21400,0 минг сўмга уй-жой қурган ёки сотиб олган бўлса, учта оила 9500,0 минг сўмлик уй-рўзғор буюмларини харид қилишган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 169 киши 100,0 минг сўмлик микро кредитлар олган...

Банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан ярим йилда саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо соҳаларини ривожлантириш учун 1,5 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бунинг самараси ўларок, қисқа даврда 1800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларида шаклланган янада хайрли...

Мазкур банк томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ўтган йилнинг шу даврига қараганда уч баравардан ортиқни ташкил этмоқда. Вилоятдаги фермер хўжаликларидан 60 тасига уч миллиард сўмга яқин турли қишлоқ хўжалик техникалари олиб берилган.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатишнинг ҳар томонлама қулайлиги бугун барчага яхши маълум. Айни даврда банк тасарруфидаги 55 та терминал мунтазам ишлаб турибди. Терминаллар орқали 153826,06 сўмлик харидлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, шу кунга қадар банк томонидан «Вестерн Юнион», «Контакт» халқаро пул ўтказиш тизимлари фаолият юритган бўлса, май ойи охирларида «Юнистрим» тизими ҳам йўлга қўйилди. Бугун ундан 9 минг нафарга яқин мижоз мамнун. Ушбу хизматларни йўлга қўйиш аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиши учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши муқаррар.

— Банкимиз томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва янги қулайликлар яратиш мақсадида барча филиалларда маслаҳатчи-менеджер лавозими ташкил этилди, — давом этади филиал бошлиғи Эркин Норматов. — Улар мижозларга кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб боради. Банк хизматлари афзалликлари ва ўз навбатида аҳолини қизиқтирган саволларга батафсил маълумотлар беришади.

Ҳозир барча филиалларда омонатчилар бурчаги ташкил этилган. Уларда банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бор. Шунингдек, Ишонч телефонлари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, Халқ банкининг Сурхондарё вилоят филиали халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, қулайликлар ва янги иш ўринлари яратиш учун хайрли ва эзгу ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу эса аҳолининг банкка бўлган ишончини янада ошираётир...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.

XORIJDA

ЛИССАБОН ШАРТНОМАСИГА ДОИР

Европа парламентининг энг йирик фракцияси «Европа халқ партияси — европалик демократлар» раҳбари Жозеф Дол Европа Иттифоқига доир Лиссабон шартномаси Италия парламенти томонидан ратификация қилинганини маъқуллади.

РИА Новостининг хабар беришича, Италия парламентининг депутатлар палатаси ўтган пайшанба куни Лиссабон шартномасини ёқлаб овоз берган. Дол шартномани ратификация қилмаган давлатларни бу ишни тезлаштиришга чақирди.

2009 йил январь ойидан кучга кириши кутилаётган мазкур шартномани Швеция, Чехия ва Ирландиядан ташқари иттифоққа аъзо 24 давлат ратификация қилган.

ЁЗ ИССИҚ КЕЛДИ

Сан-Паулудаги жазирама сув танқислигини келтириб чиқарди, деб хабар беради РИА Новости.

Бразилияда сўнгги 15 йил ичида бундай жазирама кузатилмаган. Пойтахтда ҳатто бирор марта ёмғир ёғмади. Бундан ташқари, мамлакат жануби-шарқида намлик даражаси меъёридан тушиб кетган. Бу, ўз навбатида, қурғоқчиликка олиб келмоқда.

УРУШ ЖАРОҲАТЛАРИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши Дарфур шаҳридаги тинчликпарвар кучлар мандатини 2009 йил 31 июлигача узайтириш тўғрисидаги резолюцияни тасдиқлади.

Рейтернинг хабарига кўра, Халқаро жиноий суднинг бош прокурори 14 июль куни Судан президенти Умар ал-Баширни Судан халқига нисбатан геноцид, ҳарбий ва гуманитар жиноят содир этишда айблаб, уни ҳибсга олишга рухсатнома беришни талаб қилди. Африка иттифоқи ва Араб давлатлари Лигаси прокурорнинг қарорини танқид қилиб, бундай ёндашув нафақат Судан, балки минтақадаги вазиятга салбий таъсир этади, деб таъкидлади.

Дарфурдаги фуқаролар уруши 2003 йили ҳукумат қўшинлари ва исёнчи тўдалар ўртасида бошланган. БМТ маълумотларига кўра, зўравонлик, сув ва озиқ-овқат танқислиги туфайли шунда 300 минг киши қурбон бўлиб, 2,7 миллион одам қочқинга айланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: **«Ўзбекистон тумани Жиноий ва фуқаро суди биносини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга.**

Муддати — 2008 йил 15 октябрь.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси.

Манзили: Фарғона шаҳар, Дўстлик кўчаси, 13-уй, **телефон:** 222-98-58, **факс:** 226-84-22.

Таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия ва суд органларини ривожлантириш фонди (хусусий ва махсус) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«НАВОИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ

Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги «35/10 КВ Лангар НСни қайта қуриш» объекти бўйича

ТАКРОРАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларнинг тугалланиш муддати — **3 ой.**
Буюртмачи: «Навоий электр тармоқлари» ОАЖ.
Манзили: Навоий шаҳар, Низомий кўчаси, 22-уй.
Лойиҳани молиялаштириш корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар заҳираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй, тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Истиқлол имкониятлари

КЎҲНА БУХОРОНИНГ БЎЛАЖАК МАРКАЗИ

қурила бошланди

Бир куни Бухорои шарифнинг уриб турган юраги — Лабиҳовуз атрофида фарғоналик ҳамкасбимни учратиб қолдим. У ўғлининг ҳужжатларини тиббиёт институтига топширгани, ўзи эса чоғроққина бир меҳмонхонага жойлашмоқчи эканини айтди. Шунда мен яқин атрофда қирқта ҳамма қулайликларга эга хусусий меҳмонхона фаолият кўрсатишини айтдим, очиғи, у ўз ҳайратини яшира олмади. Ёнимиздаги сўрида ўтирган «Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими раиси Ориф Хўжаев суҳбатимиз мағзини чақди, шекилли, дарров бизга яқинлашди. Меҳмонни таништирдим, отахон яйраб кетди.

— Бухорода мустақиллик йиллари жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — деди у. — Келинг, яхшиси, меҳмонга шаҳарни бир кўрсатайлик. Айтишган-ку, минг эшитгандан, бир кўрган афзал, деб.

Дарвоқе, инсон боласининг табиати қизиқ. Кундалик турмуш ташвишлари билан бўлиб, ёнида рўй бераётган ўзгаришларга унчалик эътибор бермайди. Кейинги 17 йил ичида биргина Бухоро шаҳридаги бунёдкорликни санаб ўтсак, кўнгил фахр-ифтихорга тўлади. Сўнгги йилларда турли фан йўналишларига ихтисослашган 5 та академик лицей, ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, спорт мажмуалари, турар жой ҳамда қатор маданий-маиший, маъмурий бинолар қад ростлади. Равон йўллар, хиёбону маҳаллалар, истироҳат боғлари — буларнинг барчаси янги замон мўъжизаси эмасми?!

Бухоронинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан кўплаб тарихий ва маданий обидалар қайта таъмирланди, муқаддас қадамжолар обод этилди. Чор Бакр, Арки Олий, Ситораи Моҳихосса, қатор мадраса-ю масжидларга қайта ҳаёт бағишланди. Бундан эса ҳамма бирдек мамнун. «Универсиада — 2002» спорт мусобақалари муносабати билан шаҳар марказида «Бухоро» спорт мажмуаси ишга туширилди. Эндиликда бу ерда спортнинг кўпгина турлари бўйича халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Энг муҳими, у куну тун ёшлар билан гавжум.

Қадимий шаҳар қиёфаси тубдан ўзгаришида Юртбошимиз ташаббуси беқиёс, албатта. Шу йилнинг 20 июнь куни давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қурилиш-ободонлаштириш ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Бу галги ташриф ҳам улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Шаҳар марказини янгидан бунёд этиш борасида қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирди. Шу асосда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди.

— Шаҳарнинг янги марказини ташкил этувчи мазкур объект лойиҳага мувофиқ 50 гектардан зиёд майдонни эгаллайди, — дейди шаҳар ҳокими Қиёмиддин Рустамов. — Бу ерда қад ростлайдиган биноларнинг мукаммал меъморий ечимга эга бўлиб, Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари, шу билан бирга, меъморчиликнинг замонавий ютуқлари асосида кўкка бўй чўзади. Марказдан яшил майдонлар, ҳаво мўътадиллигини таъминловчи фавворалар, ёшлар дам оладиган сўлим боғ ўрин олади. Президентимиз кўрсатмалари ва қимматли фикрлари асосида лойиҳа янада мукаммаллаштирилди ва шу асосда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Яна бир жиҳат. Бўлажак шаҳар марказининг жойи — тарихий Самарқанд дарвозасига кираверишнинг чап томонидаги майдон. Азалдан бу ернинг иқлими бошқача — ҳавоси тоза, энг муҳими, нима эксанг, кўкаради. Шу маънода, шаҳар маркази ҳақиқий оромгоҳга айланса ажаб эмас.

— Шаҳарда аввалларидан битта истироҳат боғи бор эди, холос, — дейди «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими раиси Улуғбек Жумаев. — Талабаёшларимиз ҳордиқ чиқарадиган, ҳар хил тадбирлар ўтказадиган қулай марказга эҳтиёж сезардик. Энди бу муаммо ҳам ечиладиган бўлди. Айнан янги марказда ўзимизнинг бинога эга бўламиз.

Сирасини айтганда, қадим Бухоро бунёдкорлик оғушида. У ҳам энига, ҳам бўйига кенгаймоқда, яшил либосга бурканмоқда. Ҳозир унинг чиройига боқиб, тўймайсан киши. Энг муҳими, ўз пешона тери ва меҳнати билан фаровон ҳаёти, бахт-саодатини қураётган бухороликларнинг эртанги кунга ишончлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанимиз манзаралари

НУРОТАНИНГ НУР БУЛОҒИЮ

Зарметаннинг зар қатиғи ҳақида бир жуфт сўз

Қадим Турон, Туркистон заминининг айтарли ҳар қаричи — зару жавоҳир, — сир-синоат. Асрий Қизилқум ёхуд афсонавий Мурунтов жаҳон ҳамжамиятига ўзининг соф олтинини кўз-кўз қилаётган бўлса, Яратган Эгамнинг марҳамати, назари тушган Нурота ажиб бир нурбулоғи, яъни заррин нурларга чулғанган чашмаси ила ҳаммани таажжубга солиб келмоқда.

2004 йилнинг айни кўкламида Нурота булоғидан нур таралаяпти, деган шов-шув етти иқлимга тарқалди. Бу оламшумул воқеага шубҳаланиб қараган аксарият сайёҳлар чашмадан таралган нурни ҳатто тасвирларга тушириб қайтишади.

Академик Яҳё Ғуломов талқинига кўра, Нурота булоғи 40 минг ёшда бўлиб, ундан доимо нур таралиб туради. Ҳар юз, минг йилликларда XXI аср бошларида бўлгани каби у янаям бокира жилоланиб, камалакдек нурланади ва кўзга яққол кўринади.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида коинотга парвоз қилган Герман Титов Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудидан 8-10 километр баландликка қадар нур балқиб туришини фазода туриб эътироф этган. Мутахассислар ўрганиб кўришса, ўша нур Нуротанинг сир-синоатга тўла чашмасидан таралаётган экан. Эътибор беринг, биргина шу чашма бутун Нурота шаҳри аҳолисини, экин-тикинини сув билан таъминлайди. Яна қандай сув денг, шифобахш сув!

Ҳа, ўзбек заминининг турган-битгани тилсимот, мўъжиза. Шунинг учун ҳам донолар Қува анорига, Учқаро узумига, Жалойир анжирига, Пешку қовунига, Зарметан қатиғига пирнинг дуоси теккан, дея таъриф беришади. Булар шунчаки ривоят бўлмай, асл ҳақиқатдир. Зеро, юқорида зикр этилган жойлар ноз-неъмати чиндан-да мўъжизакор.

Яқинда Навоий вилоятининг энг қадим Зарметан қишлоғида бўлдик. Исми-жисмидан кўриниб турибдики, мазкур қишлоқ қадим-қадимдан буён зарқишлоқ, зарзамин деб келинади. Ривоят этишларича, бир пайтлар бу ерда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари яшаган экан. У кишининг бисотида фақат бир бош сигир бўлиб, у сертаъм, серёғ сут бераркан. Буюк зот сигирининг сути билан элу улусга, бева-бечораларга, хастаю дардманларга малҳам бўлган экан. Яна бир ривоятнинг талқину фикратида эса бу кўҳна заминга Ҳизр ҳазратларининг қадами етган, дейилади.

Бир субҳи саҳар бу ноёб хислат соҳиби Зарметан қишлоғига ташриф буюрибди. Бир хонадон дарвозасига яқинлашиб қараса, сувсирдай келинчак ҳовли супасини супириб, сув сепаётган экан. Келинчакнинг хушфеъллиги ва одоб-ахлоқидан ўзида шодумонлик сезган пир ундан бир коса муздек сув сўрабди.

— Ҳозир отажон! — дея ҳовли ичкариси сари чопқилаган келинчак кўп ўтмай қўлида бир коса билан қайтиб чиқибди. Комилу бакир қараса, келин қўлидаги косада сув эмас, оппоқ чанқоқбосди қатиқ. Ҳазрат қатиқни мириқиб ичибди-да: — Она қизим, умрингдан барака топ. Заб хосиятли иш қилдинг, — дея дуога қўл очибди. Шундан сўнг, Ҳазрати Ҳизрнинг дуоси сабаб, ҳозирги Қизилтепа туманининг Зарметан қишлоғи чин маънода зарқишлоққа — зарзаминга айланган экан.

Шу-шу бу афсонавий қишлоқ — тилсимоти тилдан-тилга, элдан-элга кўчибди. Ҳозиргача Зарметан қишлоғига бориб қолгудай бўлсангиз, сизни дарров тарихи узоқ шовшувларга сабаб бўлган қатиқ билан сийлашади. Сиз қатиқ уютилган косани тўнкаришингиз мумкин. У тўкилмайди, қилт этмайди.

Хўш, қатиқ чиндан ҳам сертаъм, сермазами? У ҳар қандай дардга малҳамми? Келинг, худди шу ўринда ўзим кўриб, гувоҳ бўлган бир ҳолатни ҳикоя қилай.

Бир гал қишлоқ аҳли билан учрашув сабаб, бир гуруҳ ёзувчию санъаткорлар Зарметанга ташриф буюришди. Учрашувлардан сўнг меҳмонларга аввал бир пиёла чой тортилди. Бироқ, ҳамманинг нигоҳи тескари тўнтарилган косаларда эди. Туманнинг ўша вақтдаги ҳокими уч-тўрт маротаба коса тўла қаттиқларни тўнкарилган бўйи кўтариб-кўтариб кўрсатди. Ҳамма ҳайрон! Қани энди қатиқ тўкилса! Ҳамма қатиққа маҳлиё бўлиб, бошқа таомлару ноз-неъматларга қўл чўзмади...

— Зарметаннинг дуо олган сирли қатиғи наинки ёзувчию шоирларни, балки ўз вақтида кўплаб давлат арбобларини ҳам лол қолдирган эди, — дейди республикада хизмат кўрсатган пахтакор, туман фахрийлар кенгаши раиси Қаҳҳор Асадов. — Бу серҳосият қатиқ довруғи ҳатто бир пайтлар Мағрибдан Машриққа қадар таралган «Буюк ипак йўли» карвону сарбонларининг ҳам эътиборини қозонган.

Ҳа, мамлакатимизда мўъжизакор жойлар, серҳислат қадамжолар кўп. Уларнинг ҳар бири бир достон.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИГА СЕРТИФИКАТ

Наманган алоқа ва транспорт коллежини бу йил 146 нафар йигит-қиз тамомлади. Уларнинг 68 нафари халқаро аҳамиятга эга бўлган Германия сертификатини қўлга киритди.

ЎзХДП фаоли, коллеж директори Адҳамжон Мадмусаевнинг айтишича, ўқув юртининг алоқа ва компьютерлаш бўлими талабалари олмон гранти асосидаги лойиҳада фаол иштирок этиб, ўттан йил давомида жаҳон андозаларига мос иш услубларини мукаммал ўрганишган. Энди улар энг ривожланган мамлакатлар фирмаларида ўз соҳалари бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишди.

(Ўз мухбиримиз).

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

коллеж ва лицей ўқувчилари бўлишди

Бугун Хўжайли туманидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйида 128 нафар бола тарбия топмоқда. Ўқувчиларнинг аксарияти 65-умумтаълим мактабида ўқийди.

— 9-синфни тамомлаган 21 нафар тарбияланувчимиз таълимнинг кейинги босқичини лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида давом эттирадиган бўлишди, — дейди директор ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Тозагул Қурбаниёзова. — Бу болаларимиз яхши ўқиб, олимпиада ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, юлибликни қўлга киритишган. Энди улар тиббиёт, иқтисодиёт, маданият ва санъат, олимпия захиралари, педагогика йўналишларидаги касб-ҳунар коллежларида, икки нафари эса Урганч шаҳридаги ҳарбий лицейда ўқишади.

(Ўз мухбиримиз).

Футбол

РАҚИБ ЕВРОПАДАН БЎЛСА...

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 6 сентябрь куни 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг Осиё минтақаси тўртинчи босқич баҳсларини бошлайди. Шу куни ҳамюртларимиз Дохада Қатар футболчилари меҳмони бўлади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ушбу муҳим учрашувга қандай ҳозирлик кўрмоқда? Қайси давлатлар терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилади? Шу ҳақда миллий терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инилеев ЎФФ матбуот хизматига ўз фикрларини билдирди. Унинг айтишича, Европа қитъаси терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш футболчиларимиз учун ниҳоятда муҳим, аммо жуда қийин экан. Бу борадаги бош муаммо эса танланган мамлакатлар орасидаги олис масофа ва узоқ муддатли парвоздир.

«Биз европаликлар билан ўртоқлик учрашувларини ўтказиш борасида қийинчиликларга дуч келамиз. Эндигина қайсидир терма жамоанинг розилигини олай деб турганимизда, 3 кун ўтиб улар бизга қўнғироқ қилишади ва узр сўраб, яқинроқ радиусдаги бошқа жамоадан таклиф тушгани сабабли рад жавобини беришга мажбур эканликларини айтишади. Кетидан ўз қарорларини Тошкентгача бўлган сафар бир неча соат давом этишлиги билан изоҳлаб қўйишади», — дейди бош мураббий.

Рауф Инилеев гуруҳдаги бошқа жамоалар каби даражаси ва тайёргарлиги анча юқори бўлган Европа қитъасидаги терма жамоаларнинг бири билан ўртоқлик учрашуви ўтказилишини истаяпти. Аслида, унинг бу истаги амалга ошиши мумкин эди. Аммо... Ўтган йили Киевда Ўзбекистон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб (ўйин ўзбекистонликларнинг 1:2 ҳисобидаги мағлубияти билан якунланган), 2008 йилнинг августида Тошкентда худди шундай жавоб ўйинини ўтказишга рози бўлган Украина терма жамоаси раҳбарияти ҳам изоҳланмаган сабабларга кўра, ўз сўзида турмади.

«Яқиндагина мураббийлар билан бўлиб ўтган учрашувда, Ўзбекистон Футбол Федерацияси Президенти Мираброр Усмонов икки томонлама келишувга эришилса, ҳар қандай рақиб, масалан, ўша Португалия даражасидаги терма жамоалар билан ўртоқлик учрашувини ташкил этиш учун тайёр эканлигини билдирди. Агар катта маблағ талаб этилса ҳам, Федерация раҳбарияти уни топиб беришга тайёр. Федерация ҳозир бизнинг оғзимиздан чиққан истагимизни бажаряпти. Терма жамоа раҳбарияти эса, фақатгина яхши терма жамоа билан аниқ келишувга эришса бўлди. Албатта, жамоа раҳбарияти бу борада музокаралар олиб бораяпти. Бироқ ҳозир бирор натижа бўлмаганлиги туфайли Европадан қайси терма жамоа билан ўртоқлик учрашуви ўтказишимиз мумкинлиги ҳақида аниқ айта олмайман», — дейди Инилеев.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг тўртинчи босқичида Австралия, Бахрайн, Япония ва Қатар терма жамоалари билан бир гурухда кураш олиб борадиган Ўзбекистон футболчилари август ойида Осиёнинг икки терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказади. Уларнинг биринчиси 20 август куни Теҳронда Эронга қарши кечса, иккинчиси орадан тўққиз кун ўтиб, Тошкентда КХДР терма жамоаси билан бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз).

Янгилик

«MINI MELTS» МУЗҚАЙМОҚЛАРИ

Ёз жазирамаси авжига олади. Кўнглингиз соя-салқин манзил истайди, чанқоғингизни муздек маъданли сув билан қондириш уринасиз. Ана шу паллада ширин ва мазали музқаймоққа нима етсин.

Бугун мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида ранг-баранг, бири-биридан лаззатли музқаймоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўнлаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Яқинда улар сони яна биттага кўпайди. Дунёга машҳур «Mini Melts» тамғаси остида савдога чиқарилаётган маҳсулот Зангиота туманида жойлашган «Музимпекс» Ўзбек — Швейцария қўшма корхонасида тайёрланмоқда.

— Ҳозирда жаҳоннинг Саудия Арабистони, Хитой, Таиланд, Қувайт, Эквадор, Жанубий Африка Республикаси, АҚШ, Буюк Британия, Япония сингари ўттиздан ортиқ давлатларида севиб истеъмол қилинаётган «Mini Melts» музқаймоқлари МДҲ мамлакатларидан биринчи бўлиб Ўзбекистонда ишлаб чиқарила бошланди, — дейди «Музимпекс» Ўзбек — Швейцария қўшма корхонаси бош директори Ҳожимурод Раҳимов. — Маҳсулот мутлақо экологик тоза ва маҳаллий хомашёлардан тайёрланмоқда. Канададан келтирилган махсус идишларда харидорларга тортиқ қилинаётган музқаймоқларимиз сифатига мижозларимиз юқори баҳо беришмоқда. Буни маҳсулотларимизга жойларда талаб ошиб бораётганлигидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Шу кунларда маҳсулот салмоғини ошириб, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида ҳам савдо шохобчаларимизни йўлга қўйишни режалаштириб турибмиз.

Айни пайтда пойтахтимиздаги ресторан, кафе ва гавжум хиёбонларда савдога чиқарилаётган «Mini Melts» музқаймоқлари ўзига хос таъм ва шаклга эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Музқаймоқ ижодкорлари томонидан ўндан ортиқ рецепт асосида тайёрланаётган бу мазали маҳсулот бир қарашдаёқ диққатингизни тортади. Турфа рангли шарчалар шаклидаги «Mini Melts» музқаймоқлари каттаю кичикка маъқул бўлиши табиий.

Эркин ХОЛБОБО

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС

На разработку программного обеспечения Единой автоматизированной информационной системы «Нарушения таможенного законодательства»

К участию в конкурсе допускаются компании-разработчики программного обеспечения, имеющие положительный опыт реализации проектов для крупных организаций с использованием web-технологий и промышленных СУБД.

Срок подачи предложений — **29 августа 2008 года.**

Наш адрес: 100083, г.Ташкент, ул. Узбекистанская, 3.

Контактные телефоны: 120-76-00, **добавочный** 28-95, 28-60.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda